
Фурқат тумани мезбонлигида улоқ-кўпқари ўйинлари ўтказилди

Фурқат туманидаги "Тажриба" фермер хўжалиги кенгликларида улоқ-кўпқари мусобақаси бўлиб ўтди.

Туман ҳокимлиги, секторлар ва ташаббускорлар ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада республикамизнинг турли ҳудудларидан ва қўшни республикалардан 400 дан ортиқ чавондоз иштирок этди.

Жасурлик, мардлик, эпчиллик, қатъиятлилик каби юксак фазилатларни намоён этган қадимий чавондозлик спорт ўйинини 20 мингдан ортиқ муҳлислар катта қизиқиш билан кузатиб, энг эпчил чавондозларни олқишлаб турди.

Қизиқарли беллашувларга бой бўлган спорт ўйинида бир қатор чавондозлар бузоқ, қўй, эчки, гилам ва бошқа турдаги совринларни қўлга киритган бўлса, фурқатлик Рустам чавондоз "Boeing" лақабли оти билан умра зиёратига сертификатни қўлга киритди.

Мусобақанинг бошқа эпчил чавондозлари ҳам улоқ-кўпқари ташкилотчилари томонидан муносиб рағбатлантирилди.

Миллий спорт ўйинида энг кўп улоқ айириб, чапдастлик ва эпчиллик кўрсатган чавондозлар олқишлар ва эътирофга сазовор бўлдилар.

Бундан ташқари томошабинлар қизиқишларига сабаб бўлган дор ўйинлари ҳам ташкилланди.

2023-02-09 19:27:43